



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (12.501)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил — Обод
турмуш йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Истиқлол йилларида Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари самарасида Тошкент шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Кенг ва равион кўчалар, салобатли бинолар барпо этилиши билан бирга, транспорт-коммуникация соҳаси ҳам тубдан янгиланмоқда.



ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧАЛАРИДА — ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР

сининг имтиёзли кредит маблағлари ҳисобига молиялаштирилмоқда.

— Шу кунгача техник кўрик ва текширувлардан ўтиб, тегишли сертификатга эга 17 янги автобус йўналишларга чиқарилди, — дейди «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмасининг ҳаракат хавфсизлиги хизмати бошлиғи Фарҳод Нигмонов. — Шартномага мувофиқ жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида яна 70 автобус келтирилади. 2008 йилдан келтирила бошлаган мазкур автобусларнинг сони бугунгача 530 тага етди.

«3-автобус саройи» очик ақсидорлик жамиятида турли рўсумдаги 210 автобус йигирма йўналишда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Автобус саройида ишчи-хизматчилар учун барча шароит яратилган. Автобусларни техник кўриқдан ўтказиш ва уларни таъмирлаш учун зарур воситалар билан таъминланган.

Мазкур автобус саройига қарашли 115- ва 76-йўналишларда янги «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобуслари қатновни йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкентда Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, энергетика, фан-таълим, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, ахборот ва телекоммуникация технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик мустақам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, стандартлаштириш, фан-таълим каби кўплаб соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам

ошмоқда. 2012 йилда бу кўрсаткич 243,2 миллион, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 125,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган 22та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш, полиграфия, логистика, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Юртимизда Болтикбўйидаги ушбу мамлакатнинг 10та етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Латвия ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Мамлакатларимиз транзит юк ташиш, илм-фан, сайёҳлик, стандартлаштириш каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Музокарада Латвия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар натижалари, «Навобий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» маҳсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

(Давоми 2-бетда)

кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

БУГУН пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжумани «Автомобиль транспортада

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, кадрлар сиёсати ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари» мавзуга бағишланди.

19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисида депутатлар корпуси сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг ишлаб чиқилган нуктаи назарларидан келиб чиққан ҳолда «Биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этди.

«Биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ЎзЛиДеП фракцияси вакилларининг алоҳида диққат-эътиборини тортди. Ушбу қонун лойиҳасини ўрганиш шунинг кўрсатдики, у бозор биржа нархларини шакллантириш (котировкалаш) жараёнларини халқаро стандартлар даражасида ҳуқуқий таъминлаш, нархларнинг эҳтимол тутилган ўзгаришларини суғурта қилиш, савдо қилинаётган активларнинг инвестициявий жозибдорлигини, нархларнинг ошқоралигини таъминлаш, нархларнинг келгузи ўзгаришлари тенденцияларини белгилаш, шунингдек, талаб ва таклифнинг мувозанатини аниқлаш каби бир қатор вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

ЎзЛиДеП фракцияси томонидан ушбу қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватлашиши у молиявий секторни ривожлантиришга кўмаклашиб, биржа фаолияти масалаларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини яратибгина қолмай, балки чет эллик инвесторлар учун мамлакатимизнинг биржа бозори жозибдорлигини ошириши билан боғлиқ эканлиги мажлисда қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракциясининг фикрича, «Биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистон манфаатлари йўлидаги кучли ички ва ташқи иқтисодий стратегияни амалга оширишнинг муҳим омили бўлади. Бу эса Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП дастурий мақсадларида акс этган: миллий иқтисодиётда тизимли чуқур ўйланган ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашнинг самарали сиёсатини юритиш вазифаларга мос келади.

Қонуннинг қабул қилиниши биржа фаолияти ва биржалар иши масалаларида ягона ҳуқуқий амалиётни қўллаш учун шарт-шароитлар яратишга, биржа бозорининг иштирокчилари, шу жумладан акциядорлар, инвесторлар ва давлатнинг манфаатлари мувозанатига эришишга имкон беради. Ушбу партия маҳаллий биржа бозорларининг жаҳон биржа бозорига уйғунлашуви учун шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини жаҳоннинг етакчи биржалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик билан мувофиқлаштириш, биржа фаолияти тизимининг барча асосий элементларининг, савдо, клиринг, ҳисоб-китоблар, битимлар ижроси кафолатларининг жаҳон стандартлари даражасида амал қилиниши таъминлаш, шунингдек, маҳаллий биржалар котировкаларининг чет эллик инвесторлар томонидан тан олиншига эришиш ва бунинг натижасида чет эллик инвесторлар учун уларнинг жозибдорлигини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» ДП фракцияси ушбу қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қабул қилинишини қўллаб-қувватлашни билдирди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навобийда маънавият тарғиботи масаласини такомиллаштириш, соҳа ривожидида самарали хизмат қилаётган фаол тарғиботчиларни муносиб рағбатлантиришга қаратилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 10 нафар тарғиботчи уч шарт бўйича ўзаро беллашди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, пост-патруль хизмати ходимларига хизмат машиналарини топширишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Жиззах вилоят кенгаши қошидаги ўқув марказида 2013-2014 ўқув йилининг иккинчи босқичи очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда автомобиль ҳайдовчилиги ва чавандозлик йўналишига ўқишга қабул қилинган ёшлар, қақирқ ёшидаги йигитлар, уларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

• Наманган шаҳрида йилига 1 миллион 200 донга трикотаж тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга, пахта ва полиэфир толалари аралашмасидан йилига 5 минг тоннагача рақобатбардош калава ип тайёрланадиган «Намимпекс-текстиль» корхонасининг иш бошлаши натижасида 200 та иш ўрни яратилди, вилоятнинг экспорт салоҳияти ошди.

• Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейида Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан Обод турмуш йилига бағишланган «Илҳомлар дунёси» деб номланган кўчма кўргазма ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• «Google» компанияси интернет тармоғида ўзининг тиббий маслаҳат хизматини ҳам йўлга қўймоқчи. «Calico» дея номланган мазкур лойиҳада кексалик ва ёш билан боғлиқ хасталикларга оид маълумотлар ўзифодасини топади. Одам кексалигини сайин уни турли касалликлар безовта қила бошлайди ва бу бора-бора руҳий тушкунликни келтириб чиқаради. Шундай пайтда «Calico» хизматига мурожаат қилиб, зарур маслаҳатлар олиш мумкин.

• Колумбияда 2 килограмм микдорда кучли таъсир этувчи кокаин гиёҳвандлик моддасини олиб ўтишга уринган канадалик аёл полиция томонидан қўлга олинди. Корнинг олдиға икки-та қопчада гиёҳвандлик моддасини яширинча жойлаган ушбу жиноятчи аёл ўзини ҳомилдор сифатида кўрсатмоқчи бўлган экан.

• Париждаги заргарлик дўконидан қиймати 2 миллион еврога тенг бўлган турли тақинчоқлар ва соатлар ўғирлаб кетилди. Маълумотларга кўра, жиноятчилар тўрт кишидан иборат бўлиб, улар бинони машина билан бузиб кириб, витринага қўйилган буюмларни ўғирлашган. Шундан сўнг ўғирлар ўз автомобилларини ёқиб юбориб, бошқа машина ёрдамида жуфтаникни ростлашган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

БУГУН шаҳримиздаги 319-умумтаълим мактабида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси»

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Латвия Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Латвия Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг давлат котиби, комиссия ҳамраиси Юрис Пуце. — Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равишда топтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётди. Сўнгги йилларда ҳамкорлик қамрови янада кенгаймоқда. Жумладан, иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, таълим каби соҳалардаги алоқалар фаоллашмоқда. Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдоримиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо, иқтисодиёт, транспорт ва транзит, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик, стандартлаштириш, аккредитация, мувофиқликни баҳолаш каби йўналишлардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунни Ўзбекистон ва Латвия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгрок фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, тиббиёт техникаси ишлаб чиқариш, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати соҳаларидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига Латвия компанияларини кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 августдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙЛИК ВА ИМТИЁЗЛАР

Таъкидлаш керакки, юртимизда энг қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларига бир қатор қўшимча имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш бўйича амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳитида ихобий ўзгаришларни таъминлади.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, манфаатдор идора ва ташкилотлар, шахримизда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари иштирок этиб, ишбилармонлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялашнинг муҳим йўналишлари, турли хил ҳисоботлар тақдим этиш шакллари, уларни тузиш борасида амалиётда жорий қилинган янги қулайлик ва имтиёзлар ҳамда ҳуқуқий ҳимоя масалалари ҳақида атрафлича сўз юритилди.

— Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик беришга қаратилган ислохотларни такомиллаштириш жараёни изчиллик билан давом эттирилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш бўлимининг катта маслаҳатчиси Абдуманноп Бўриев. — Хусусан, бу борада бир қатор қонунлар қаторида янги тахрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Давра суҳбати давомида Адлия бошқармаси вакиллари томонидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензиялашни талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинган, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилган, давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги алоқаси босқичма-босқич жорий этилаётганлиги аниқ мисоллар ёрдамида ҳуқуқий жиҳатдан тушунтирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектларини давлат

рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш фаолияти юзасидан адлия органлари маҳаллий бошқарув идораларига яқиндан услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Тадбирда шу билан бирга, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 августдаги қарорининг мазмун-моҳияти, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати, ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом юзасидан йиғилганларга атрафлича маълумот берилди.

Ўзаро жонли мулоқот давомида иштирокчиларнинг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда юқлари божхонада расмийлаштиришда «ягона ойна» таъминли бўйича амалга ошириш жараёнларининг қулайликлари, давло аризалари ва илтимосномаларни ҳўжалик судларига электрон шаклда юбориш механизми, шунингдек, адлия органларининг бу борада амалга ошираётган тадбирлари ҳақидаги саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧАЛАРИДА — ЗАМОНАВИЙ АВТОБУСЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўттиз олти йилдан бери автобус ҳайдаيمان, илгари эски автобусларни бир кун ҳайдасак, уч кун таъмирлардик, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими Латифхон Абдуғафоров. — Бугун замонавий русумдаги, жаҳон андозаларига мос автобусларни бошқараётганимиздан мамнунмиз. Одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб, меҳнатимиздан барака топпамиз. Буларнинг барчаси Ватанимиз мустақиллиги берган улкан имкониятлар самарасидир.

Мазкур автобуслар салонининг кенг ва ёруғлиги, бошқарувининг енгиллиги ва хавфсизлик қоидаларига жавоб бериши, салонга ташки шовқин деярли эшитилмаслиги, чиқиш ва тушишнинг осонлиги, ўриндикларнинг юмшоқ ва бежиримлиги йўловчилар би-

лан бирга, ҳайдовчилар учун ҳам катта қулайликлар яратяди.

Бугун бутун дунёда атроф-муҳит муҳофазаси катта долзарблик касб этаётган бир пайтда экологияга зарари кам транспорт воситаларига эҳтиёж тобора ошмоқда. «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» автобуслари Евро-3 стандартли двигатель билан жиҳозлангани унинг атмосферага қарақадиган зарарли моддаларни камайтириш имконини беради.

— Ҳар кунни ўқишга 115-автобусда қатнайман, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Нуриддин Нуралиев. — Мазкур йўналишга янги автобусларнинг қўйилгани биз, талабалар учун ҳам муносиб байрам совғаси бўлди.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

Жорий йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ва Самарқанд ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежларида имконияти чекланган шахслар касб-ҳунар коллежи мақомини бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

ИККИТА САНОАТ КАСБ- ХУНАР КОЛЛЕЖИНИНГ ЯНГИ МАҚОМИ

Мазкур қарорнинг бош мақсади имконияти чекланган болалар учун ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини эгаллашда тенг имкониятлар яратилишдан иборат.

Қарорга мувофиқ, Тошкент ва Самарқанд ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежларида амалдаги қонунчиликка биноан имконияти чекланган шахслар коллежларидаги каби ўқув-тарбиявий ва реабилитация ишлари, молиявий ва моддий-техник таъминот амалга оширилади.

Ҳужжатда қайд этилишича, ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёни қизиқарли, ранг-баранг усулда ташкил этилади. Уларни бир касбга йўналтиришда нафа-

қат жисмоний, балки ақлий имкониятлари ҳам ҳисобга олинади.

Мазкур коллежларга меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаларининг ҳудудий бўлиналари томонидан берилган йўлланма орқали ногирон болалар қабул қилинади. Енгил даражадаги ақли заиф болаларни ўқишга қабул қилиш учун Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги психологик-тиббий-педагогик комиссияларининг йўлланмаси талаб этилади. Шу ва бошқа гуруҳга оид ногирон болаларнинг барчаси жинси, тили, ёши, миллати, дини, ирки, ижтимоий келиб чиқиши, турар жойидан қатъи назар ўқишга қабул қилинади.

Туризм

САЙЁҲЛИК ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Тошкентда «Orient Silk Road Express» деб номланган янги сайёҳлик поездининг тақдими ўтказилди.

Илгари хабар қилганимиздек, уни «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК таркибидagi «Ўзтемирйўловчи» ОАЖ ҳамда Германиянинг «Lernidee Erlebnisreise GmbH» компаниялари ҳамкорликда ишга туширилди. Янги сайёҳлик поезди жорий йил 16-23 сентябрга кунлари «Тошкент — Қамаш — Кито — Бухоро — Урганч — Самарқанд — Тошкент» йўналишида йўловчилар билан сайёҳлик турини амалга оширади. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ахборот хизматида маълум қилишларича, ушбу сайёҳлик поездида мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, 8 ўринга мўлжалланган 2 та люкс вагон, яна 16 та ўринлик махсус душ хонасига эга бўлган битта вагон, вагон-ресторан, марказий совутиш тизими ва бошқа шароитлар мавжуд. Шунингдек, поезд таркибидa «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК штаби учун ҳам битта вагон ажратилган.

Поезд вагонлари «Тошкент вагон қурувчи» заводида махсус миллий дизайн бўйича тайёрланган. Эслатиб ўтамиз, жорий йил апрель ойида «Тошкент — Қарши — Урганч» йўналишида «Афсона» деб номланган махсус сайёҳлик поезди йўловчиларга хизмат кўрсатишни бошлаган эди. «Туркистон-пресс»

Учтепа туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 228-умумий ўрта таълим мактабидa тумандаги мактаблар директорлари ҳамда 1-синф ўқувчиларига инглиз тили фанидан таълим бераётган ўқитувчиларнинг ййғилиши бўлиб ўтди.

Қарор ва ижро ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, жорий ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфларига ўйин тарзида ва озгача нутқни ривожлантирувчи дарслар шаклида чет тиллари ўқитилмоқда. Ййғилишда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаров ва бошқалар биринчи синф ўқувчиларининг қизиқарли ўйинлар, расмлар, фикрлашга ўргатувчи машқлар, шунингдек, дарсликлар орқали хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини ўрганишларида мазкур фан ўқитувчиларининг тутган ўрни ва масъулияти нақадар беқиёс эканлигини таъкидлади.

— Дарс машғулотларида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратаман. Таълим жараёнида бундай интерфаол усуллар ва қизиқарли ўйинлардан унумли фойдаланиш ўзининг ихобий самарасини беради, — дейди тумандаги 81-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Муяссар Сотволдиева. — Ўқувчилар иккинчи синфдан алифбо, ўқиш ва грамматикани ўрганишни бошлашади. Бунда уларга биринчи синфда ўзлаштирган пухта билимлари, аниқ тасавурлари аиниксас асқотади.

Ййғилишда, шунингдек, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куну умумхалқ байрамни кўтаринки руҳда қутиб олишга қизгин ҳозирлик қўриш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Ййғилиш якунида мактабларда ўтказиладиган «Байрамингиз муборак, азиз устозлар!» деб номланган байрам тадбирини юксак савияда ташкил этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика
факультети талабаси

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ва «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини муҳокама этишда ЎЗДП фракциясининг аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Улар мамлакатимизда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали, кўп босқичли тизими яратилганини, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрилатганини таъкидладилар. Ота-оналарнинг ҳомийлигисиз қолган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида бутун норматив-ҳуқуқий база яратилди, жумладан, Оила ва Фуқаролик кодекслари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқ бузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу билан бирга, партиянинг фикрича, махсус қонун ҳужжатидa васийлик ва ҳомийликни аниқлаш масалаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларни тизимлаштириш, кодификациялаш зарурлиги таъкидланмоқда.

ЎЗДП аъзоларининг сўзларига қараганда фракция ўз партиявий устуворликларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқди. Уларнинг таҳлили асосий тушунчалар, давлат сиёсатининг йўналишлари, давлат органларининг васийлик ва ҳомийлик соҳасидаги принципили, вазифалари ва ваколатларини белгилаб берувчи нормаларнинг киритилиши асосий принципиал ва янги қоидалардан бири бўлганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаларида соғлиқни сақлаш органлари зиммасига ишга яроқсиз ва ишга яроқлилиги чекланган шахсларнинг ҳисоботини юритиш бўйича функцияларни, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари зиммасига эса соғлиғи ҳолати бўйича ҳомийликка муҳтож ишга яроқли шахсларнинг ҳисоботини юритиш бўйича функцияларни юқлаш ҳам назарда тутилмоқда.

ЎЗДП фракциясининг ишончи қомилки, бу васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг барча тоифаларини жойлаштириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш, унинг мониторингини юритиш, мушкул аҳволда қолган болалар, ишга яроқсиз ва ишга яроқлилиги чекланган фуқаролар, шунингдек, ташқи ёрдамга муҳтож кекса ва бошқа шахслар тўғрисида тулиқ ва ишончли ахборот олиш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Мажлисда таъкидланганидек, буларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий вазифаларига ва унинг электорати манфаатларига тулиқ жавоб беради.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг аъзолари ҳам қонун лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдирдилар. Партиянинг сайловолди платформасида жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш учун барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари юксак даражада қонуний ҳимоя қилинишини қўллаб-қувватлашнинг давом эттириш ҳамда жамиятда юзага келган талаблар ва эҳтиёжларга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича қўшимча аниқ белгилар қўйилган. Шу муносабат билан мазкур партиянинг парламентдаги вакиллари ушбу қонун лойиҳалари муҳим ижтимоий аҳамиятга эгалиги туфайли уларни мазкур йўналишдаги навбатдаги қадам деб ҳисоблайди.

Васий ва ҳомийни тайинлашнинг батафсил тартиби белгилаб қўйилгани таъкидланди, бу эса, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг фикрича, ота-оналарнинг ҳомийлигисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга қўмаклашади. Жумладан, тарбиялаш учун уларни оилаларга ёки ижтимоий муассасаларга жойлаштириш масаласи ҳал қилинганга қадар бир ойлик муддатта жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган дастлабки васийлик ва ҳомийлик институти жорий этилади.

Қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши васийликдаги кишиларнинг қонуний кафолатларини кучайтириши алоҳида таъкидланди, шу орқали улар ўзининг боқилиши, тарбияланиши ва соғлиғи ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, васийлик ва ҳомийлик органларидан ўз ҳуқуқлари тўғрисида ахборот олиш борасида ҳуқуқлар билан таъминланади. Бошқа тарафдан, васийлар ва ҳомийларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқлаштирилмоқда. Шунингдек, васийликдаги кишилар, васийлар ва ҳомийларнинг мулкка эгаллик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми белгилаб берилмоқда.

Ушбу лойиҳалар бўйича муҳокаманинг сўнгги «Адолат» партиясининг депутатлари мазкур қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши васийлик ва ҳомийлик тизимининг янада модернизация қилинишига хизмат қилишини, улар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашини, бу эса, шубҳасиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишига ихобий таъсир кўрсатишини таъкидладилар.

Билдириб ўтилган нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда парламент аъзолари «Биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги ҳамда «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан Қонунчилик палатаси тегишли қарорларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати

(Давоми 4-бетда)

